# МУҲАББАТ ВА ҲАЁТ КУЙЧИСИ

**80**

Ҳамид ОЛИМЖОН

***

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.
Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.
Қучоқ-қучоқ гуллар терганим
Ва келтириб сенга берганим.
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.
Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

1937 йил



Ўзбекистон халқ шоири Зулфия

## Ўзбек аёлининг ёрқин ва сулув сиймоси

*Кўз ўнгимда Зулфия шеърлари асосида яратилган Ўзбекистон достони намоён бўлди. Ўқийман, зеҳн соламан, яйрайман: меҳнатсевар, саховатли, туйғун ва маънавий бой халқи билан бирга унинг қизи Зулфия камол топди ва ҳануз юксалишда. Яшнаган ўлка — Ўзбекистон боғлари аро Зулфия қўшиқлари янграйди. Мусаффо қалбингиз, шеъриятингиз, одамларга сиз бахш этган барча эзгулик учун ташаккур сизга, қимматли Зулфия!*

**Эди ОГНЕЦВЕТ.**

*Ўзбек шоираси Зулфиянинг қутлуғ қадами туфайли Шарқ адабиётига санъаткор аёл кириб келди, ёш ва иқтидорли шоиралар бутун бир плеядасининг овози баралла янграй бошлади.*

**Чингиз АЙТМАТОВ.**

*Зулфияхоним шеъри — чинакам шеър. Яъни у нозима эмас, шоира! Ўзбек табиати, ўзбек қалби, ўзбек меҳнаткашининг бахтиёрлиги, ўзбек аёлининг ёрқин ва сулув сиймоси, дарди ва бахти, тўй ва томошаси — мана Зулфиянинг шеърияти!*

**МИРТЕМИР.**

*Ажойиб табиатли кишиларни кўрганда нодир инжу топган кишидек қувонаман, ҳаётни янада қаттиқроқ севаман. Сиз, Зулфия, мен учун ана шу нодир инжу ва гўзал кишилардан бирисиз... Сиз ўзбек хотин-қизлари чаманидан гўзал бир санъат биносини қурдингиз.*

**Марварид ДИЛБОЗИЙ.**

*Зулфия ва шеърият, Зулфия ва қўшиқ — бу сўзларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.*

*...Зулфия, унинг ижоди, шеърияти маънавий турмушимизнинг, миллий маданиятимизнинг бир қисмига айланиб кетган. Биз шундай деб ҳисоблаймиз ва бу билан фахрланамиз.*

**Мустай КАРИМ.**

*«Мушоира» тасвирий воситаларнинг бойлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Унда хотин-қизларга хос кузатувчанлик эпик кенглик билан уйғунлашиб кетади. Фикрларнинг тийранлиги туйғуларнинг тўлқинлиги билан ҳамоҳанг. Унда ҳамиша халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун янграган поэзиянинг садосини эшитиб турасан, киши. «Мушоира»ни дадиллик билан адабиётимизнинг дурдонаси деб атай оламиз.*

**Вера ИНБЕР.**

## ГУНАФША АТРЛИ САТРЛАР

### МЕН ЗУЛФИЯ ИЖОДИДАН ТАЪЛИМ БЕРАМАН

*Мен қуёшли эл фарзандиман,*
*Бахтлиманки, ёниқ нафас ёр,*
*Ишқ ва ҳижрон оловларидан*
*Омон чиққан қайноқ дилим бор.*

Зулфия опа... Мен бу камтарин, покдомон қалб соҳибаси билан илк бор мактабимизда бўлган учрашувда танишганман. Уларнинг дилкаш, самимий суҳбатларидан юзма-юз туриб баҳраманд бўлиш менга ҳам насиб этди. Сеҳрли овоз барчамизни ўзига мафтун айлагани ҳали-ҳали эсимда.

Уларни кузатар эканмиз, «юрагимга яқин бўлиб қолган киши»дан ҳеч ҳам айрилгим келмасди...

Буюк истеъдод соҳибаси ҳақида тўлқинланиб, ифтихор ила ўз ўқувчиларига сўзлаш бахтига мушарраф бўлдим. Зулфия опадек вафо ва садоқатга йўғрилган нафис туйғулар соҳибаси ҳақида гапириш қанчалар мароқли.

Одатда китобхон ижодкорнинг барча сифатларини, ижодидаги барча қирраларни эъзозлайди. Аммо ижоднинг қайсидир жиҳатлари бошқа сифатлардан устун туради, китобхон эса ҳамиша ўша устунликка талпинади, уни айрича кўради. Шахсан мен шоира ижодидаги меҳру вафони, севги ва садоқатни, сабру бардошни қадрлайман, унинг йиллар синовига дош берган матонатию иродаси олдида бош эгаман ва ўқувчиларимга намуна қилиб сўзлайман. Унинг янги чўққиларни кўзлаб ёзган, ҳаётбахш руҳ сингдирилган шеърларини қайта-қайта ўқийман, шогирдларим билан баҳам кўраман, унинг шеърларидаги сеҳрни баҳоли қудрат тушунтиришга интиламан.

*Гулинг очилибди, ёрингга юбор,*
*Меҳрингдан сўзласин унга ҳикоя.*
*Атиргуллар ҳиди маст этсин такрор,*
*Севгинг балолардан қилсин ҳимоя.*

Зулфия опа бахтли аёл. У бундай бахтга осонликча эришгани йўқ. Бунинг сири шундаки, унинг шеърлари замонга ҳамоҳанг, ҳамнафас. Бир дақиқа бўлса-да, у одамлардан, даврдан узилмайди. Барчани «юрагига яқин олиши», «ҳамма билан иши борлиги», «барча тақдирни йўлдошим» деб билиши уни юксакларга кўтарди.

Унинг дарди ҳам бўлакча, оромининг ҳам рақиби, ҳам умрининг эгови, ҳам малҳами бор. У — ижод!

*Оҳ, ижод, дардгинам!*
*Сен менинг оромим рақиби —*
*Уйқусиз тунларим ёритган шамчироғ*
*Муқаддас танҳолик ҳабиби,*
*Гоҳ чорлаб, гоҳ дейман: «Кет йироғ!»*

Меҳр ва вафо танқис бўлиб турган бир пайтда Зулфия ижодидаги меҳр ва вафони, севги ва садоқат туйғуларини сўзлашга ошиқаман. Шоиранинг уруш йиллари давридаги ижоди ҳақида, ҳижрон, айрилиқнинг аччиқ алламлари уни ҳам четлаб ўтмагани ҳақида куйиб бўлса-да, сўзлагим келади. Шу тариқа оз бўлса-да, ўқувчиларимда унинг ҳаёт йўлига, ижодига меҳр уйғотишга эришгандек бўламан. «Сенсиз» шеърини ҳарорат билан ўқийман, шоиранинг саботига, қаноатига тасаннолар айтаман.

Мана, ўша машъум кунлар ортда қолди. Аммо шоиранинг на ижодини, на иродасини айрилиқ ва ҳижрон бука олмади. У ёстиқдоши учун ҳам яшашга, ижод қилишга ўзида янада кучлироқ маъсулият ҳис этди. У давр синовларидан соғ-омон чиқди. Шунданмикин, ундаги жисмоний тетиклик, ижодий баркамоллик?!

Шу тариқа ўқувчиларимга фидоийликдан қайта-қайта сабоқ бераверaман, унинг нафақат ижоди, ҳаётининг ўзи ҳам ёшларга ибрат эканлигини таъкидлайман.

Яқинда «Халқ сўзи» рўзномасида Зулфия опанинг «Хотирам синиқлари» деб номланган достонларини ўқиб қолдим. Шоира ҳамон ижод билан ҳамнафас эканлиги кишини қувонтиради. У пинҳона соғиниб кутган ҳурриятнинг келганидан боши осмонга етганлигини, ҳуррият шаббодаларига бағрини тутар экан, хотиралар гирдобига бир зум ғарқ бўлганини ҳаяжон ила сўзлайман.

*Ҳуррият, келдингми — наҳотки келдинг..*
*Пинҳона соғиндим, пинҳона кутдим.*
*Ёмғирга бағрини тутган саҳродек —*
*Сенинг насимингга қалбимни тутдим.*

*...Ака, жоним акам — жондошим акам,*
*Олтмиш йил изимга қайтиб йиғлайин,*
*Бўғзимга тош бўлган йўқловларимни*
*«Оҳ»ларим эритар — айтиб йиғлайин...*

Маълумки, шоиранинг акаси Нормат Исроилов Хоразм обкомининг биринчи котиби бўлган ва қатоғон йилларида отиб ташланган. Шоира акасини отган совет давлатини «куйлаш»га, «бахт ва шодлик куйчиси» бўлишга мажбур эди. Шу сабабли у: «Олтмиш йил изимга қайтиб йиғлайман», — дейди. Зеро, ўшанда у акаси учун очиқ йиғлай олмасди. Хайрият, истиқлол келди.

Акаси қисмати ҳам, ёри — Ҳамид Олимжон фалокати қатори Зулфияхонимни ўртаган, айтилмас дард эди. Бу шоира матонатидан яна бир бор ҳайратланмоғимизга сабабдир.

Қутлуғ ёшда у киши ҳамон тетик, ижод оғушида. Ҳаммага ҳам шундай бахт, элга ҳамнафаслик насиб этсин.

Мавлуда СОБИРЖОНОВА,
Акмал Икромов туманидаги 197-мактаб муаллимаси.

Қадимдан ўзбек хонадонлари иморатини кунга қаратиб, яъни кунгай қуришни яхши кўрадилар. Тонгнинг илк нурлари, офтобнинг илк шуъласи бундай уйларнинг пештоқидан ўпади, ёруғликка чулғайди. Бундай уйлар ҳаётнинг жонбахш нафасларидан файзга тўлади. Дарвозасини, деразасини тонг оқармай, кунга очиб қўйганлар қалбига, уйларига умид ва қувонч ёғдулари қоришиб кетади. Шарқнинг асл шоираси устоз Зулфияхоним шеъриятини мен кунгай қасрга ўхшатаман. Назаримда офтоб энг аввал тоғлар қоясини нафаси билан илитгандай, Зулфияхоним шеърияти қасрини қуёш илоҳий баҳрасидан чароғон айлагани сир эмас.

## ҚАЛАМ ДЕҲҚОНИ

Балки шу боисдир, унинг шеърларида — дард ёрқин, эҳтирослар пўртанали, муҳаббат олови жонни куйдиргулик, ҳижрон саслари ҳам йиғлатади, ҳам овутади, бардошингизни қайроқдай қайрайди, маҳзун хаёллари аро келажакнинг куч-қудрати балқиб туради...

Элим — қуёш йўлин йўл деб билган халқ...

Қайларга элтади бу қуёшнинг йўли? Эзгулик, яхшилик, келажак боғларига эмасми? Тун зулматидан омон чиққан юраклар қуёшни она сутидай симириб, қайта қувватга тўлмайдими? Шу сеҳрли эътимоддир, кундузнинг ҳимматига ишонмоқдир. Инсонни улуғ ишларга, буюк меҳнатга рағбатлантирган ботиний овоз.

Ё мен кучиб етмаган ҳаёт
Она каби эслатар бурчим?
Сероб қилмай битган бир булоқ
Каби битди ё қалбда кучим?

Игна билан мен қазиб қудуқ,
Ўша чашма-кўзни очаман.
Кор қилмаса қалбимдаги ўт,
Сочим ёқиб учқун сочаман.

Отам боши каби оқ тоғдан,
Отқин сувдан юламан қудрат.
Бу кун каналга зор тупроқдан
Ташналикни оламан пудрат...

Қаранг, ўттиз йил аввал луғатда эскириб, занглаб ётган «пудрат» сўзини шеърга олиб кириб, уни янгилаган эди шоира. «Тупроқдан ташналикни пудрат олмоқ»... Дунё четлаб ўтган тупроқ, унга сувни етаклаб борган, канал айқиртирган халқнинг шоираси «ташналик»ни ижарага олмоқда. Бу ташналик ҳаётга, она ерга, муҳаббатга, одамлар меҳрига, халқ қалбига ташналик ҳисси...

Халқ тақдирин бир жилғасидай
Ҳар инсондан тилайман баҳра...

Халқдан баҳра олмоқ ва ўзи ҳам шу тупроқни баҳраманд этмоқ... Одамзод ўсган муҳитида меҳр-ардоқ кўрмаса у юксалмайди, униб-ўсмайди. Дарахт ҳам ёлғиз кўкармайди.

Меҳру муҳаббат, меҳнат ва матонат ёлқинлари Зулфияхоним ижодини, ҳаётини, шахсиятини дунёга машҳур этди. Шу боис ҳам унинг хонадонига етти иқлимдан дўстлар, сафдошлар, мухлислар интилиб келдилар. Унинг соддалигида улуғворлик, улуғлигида жозибали камтаринлик мужассам. Унинг Ҳамид Олимжонга садоқати афсонага айланиб кетди. Шоиранинг Осиё ва Африка минбарларида ўқиган шеърлари Шарқнинг ҳикматли даъватига айланди. Элларни биродарликка, дўстликка, ҳаётсеварликка, тинчликни эъзозлашга чорлади у:

Ҳаёт гўзаллиги шеъриятининг
Ёниқ нафасига тўлсин бу жаҳон...

«Мушоира»ни ўқирканиз, Осиёнинг беҳад рангин ва замзамаларга бой қалбини тинглагандай бўласиз, чордона қуриб шеър тинглаётган Одамзоднинг шоир қаршисида, Сўз таъсирида юраги мумдай эриб, умрнинг масъуд кунларига шукрона айтаётганини сезасиз...

Буюк мушоира этади давом,
Келингиз Сиз ҳам...

Зулфияхоним она Жаҳонни, фозил Инсонни Сўз, Ақл, Шеър баҳсига чорламоқда. Халқ шоирасининг илк китоби «Ҳаёт варақлари» чоп этилганига 63 йил бўлди. Бир пайғамбар умри. Бу йиллар не тўфону бўронлар, зилзилаларга гувоҳ бўлган. Улардан, давр синовларидан ёруғ юз билан ўтган, ўз элига қуёшли қўшиқлар бағишлаган, ўз халқи билан юксалган, ҳамон шогирдларини ижод баҳсига чорлаётган ардоқли Зулфияхоним шеъриятнинг олтин тахтида. Ҳамон суюмли, туйғуларида — баҳор, шеърлари — навқирон, Сўз айтадилар:

Мен чиққан чўққидан парвозга чиққанлар
Сендан ҳам суръатли,
Мендан ҳам журъатли,
Силсила ошганлар етажак —
Ҳеч аср битмаган энг ёрқин,
Энг ўтлуғ дилларга
Энг яқин қўшиқлар битажак!

Мен эсам шу куйни нақ ўзим битгандай,
Келажак минг йиллар ўркачин ўтгандай
Қувнарман!
Қайтадан дилимда,
Чеҳрамда ёшликнинг,
Замонга эшликнинг шодлиги барқ уриб кетажак.

Мана, азиз ўқувчим, Зулфияхоним шеърияти қасрига бир лаҳза кирдим-у юрагим кенгайиб кетди, абадий ёшлик алангасидан фикрим тиниқлашди ва мунаввар Сўзга яна бир бор ташаккур айтдим!

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## ОҲ, ИЖОД, ДАРДГИНАМ

**Оҳ, ижод, дардгинам!**
**Сен менинг оромим рақиби,**
**Уйқусиз тунларим ёритган шамчироғ!**
**Муқаддас танҳолик ҳабиби,**
**Гоҳ чорлаб, гоҳ дейман «кет йироғ!»**

**Эй менинг умримнинг эгови,**
**Эй қалбим дардига бир малҳам,**
**Мен уйқу истайман,**
**Шеър дови бўласан.**
**Кетмайсан қувсам ҳам!**

**Қаламни ташлайман сўндириб мен чироғ,**
**Фикрдан ёрилгич бошимни кўрпага ўрайман.**
**Уйларим, чулдироқ қушларим, кетингиз,**
**Сизда-ку бор қанот**
**Мен ухлай, менга ҳам насибдир**
**Ухламоқ?**
**Йўқ!**
**Юрак бош билан қилар жанг,**
**Ўртада қон юрар тинмайин ўт оқин.**
**Фикрлар лашкари ҳолимни этар танг.**
**Чарчайман, ахир мен гар шоир, бир хотин,**
**Ақалли уйқунинг амрига кирайин!**

**Йўқ! Қонда шу аёл қудрати**
**Денгизнинг тўлқини сингари**
**Уйқуни отади бедорлик соҳили тошига**
**Ва мени етаклар қоғозим қошига,**
**Мен эсам кўзимни очмайин,**
**Мадорсиз қўл билан ёқаман чироғим;**
**Итқитган қаламни ахтариб топмайин**
**Шивирлаб айтаман илҳомнинг тафобин!**

**Оҳ, ижод алами!**
**Тун бўйи шу зайил**
**Сен билан гоҳ тотув,**
**Гоҳ рақиб,**
**Яна мук тушаман назмнинг машқига.**
**Ва лекин энг синчков мунаққид**
**Эрта бор!**
**Ҳар мисра тушади яна дил шафқатсиз дастига:**
**Мисрага далалар нафаси кирмаса,**
**Инсонлар юраги ловуллаб турмаса;**
**На давр, на меҳнат, на шодлик, замона қаламни сурмаса,**
**Бир пулдир, меҳнату дарду шеър, тун умри...**

**Ўқийман ёзганим,**
**Уйлаб ҳам турмайин йиртаман парчалаб!**

**Бахт йўқлаб:**
**Оҳ, ижод**
**Агар қалб дардидан таваллуд бўлолсанг,**
**Сенга дуч ҳар юрак торини тополсанг,**
**Шеър бўлиб эл ичра юраман яраклаб,**
**Уйқудан ҳусн олган аёлдан ўктамроқ.**

**О, ижод алами, дардлари,**
**Сен тушдай қоласан тун ичра,**
**Мен эсам ўзимни сезаман тонгдан ҳам гўзалроқ.**
**У чоқда мен шеърман!**
**Шеър эса меҳнатим, шуҳратим, тақдирим ва чеҳрам.**

**24.VI. 76.**

## МЕН ЎТГАН УМРГА

**Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,**
**Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.**
**Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,**
**Суйиш керак бўлса, телбача суйдим.**

**Кийганим ипакми,**
**читми ё кимхоб,**
**Юрак бойлигидан қилмабман парво.**
**Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,**
**Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.**

**Мен ўтган умга ачинмай қўйдим,**
**Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:**
**Суйдим,**
**Эркаландим,**
**Айрилдим,**
**Куйдим,**
**Иззат нима билдим.**
**Шу-да бир яшаш!..**
**12.VI. 73.**



## «ХАЛҚ ҚИЗИМАН»

Киши ҳамиша орзу билан яшайди. Орзу бўлмаса, эртанги куннинг не жозибаси, не латофати бор? Ҳамиша сени мароқли воқеалар талпинтиради. Лекин баъзан ҳаёт сенга орзудан ҳам зебо, орзудан ҳам юксак шодликлар туҳфа қилади.

***

Менинг шахсий ҳаётимда ҳеч қандай қаҳрамонона воқеа бўлган эмас. Барча қаҳрамонона воқеаларни халқ амалга оширди. Бу унинг оламшумул ишлари шеъриятга озиқ берди, унинг манбаи бўлди!

***

Ҳаётда донолик ва билимнинг сира туганмас конлари шу қадар кўп эканки, ундан баҳраманд бўлиш учун бутун умрни сарфласа ҳам етмаса керак. Мен ҳаммасини бирдай яхши билиб олишга интилар эдим. Навоий ва Пушкин, Ҳофиз ва Шекспир, Байрон ва Некрасов, Лермонтов ва Лутфийни ўқир эдим, ўқир ва ўқишга интилардим.

***

Онамнинг қанчадан-қанча қўшиқ ва афсоналарни, достон ва эртакларни билишига ақлимиз бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва достонлар бизга бениҳоя ҳузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этар эди. Ҳозиргидай замон ва шароитда яшаганда онам ким бўларди — шоирами, олимами, билмадим. Лекин шунга аминманки, мўъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона ҳатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл — онам уйғотган.

***

Шеърият — шоирнинг уриб турган юраги сингари тирик жон. Табиат ва жамиятдаги ҳар бир ҳодиса, ўзгариш, ҳатто инсон кипригининг ҳаракати ҳам уни тўлқинлантирмай ўтмайди. У киши дилининг қувончи ва дардига ҳам, даврнинг нафаси ва суръатига ҳам ҳамиша бедор, кўз-қулоқдир.

***

Сўз — ...фикрларнинг яшаш тарзи, гапириш тарзи. Шоир сўз танлашда хато қилса, унинг фикрлари ҳам хато гапира бошлайди.

***

Мен халқ қизиман. Унга истеъдодимнинг сўнгги қатрасигача хизмат қилишни ўзимнинг энг муҳим ижодий вазифам деб биламан. Илк шеърларимдан бошлаб янги ҳаётни, мен яшаётган заминда амалга оширилган барча эзгу ишларни куйлаб келдим, юртдошларимнинг улуғвор ишларини куйлаб келдим. Чамаси, менга замондош бўлган хотин-қизлар тўғрисида кўпроқ ёздим. Улар ҳамиша мен билан ёнма-ён, ҳамиша менинг шеърларимда. Мен бу шеърларда уларнинг ички дунёсини куйлашга, қисқа тарихий муддатда руҳий тараққиётнинг улкан йўлини босиб ўтган хотин-қизларни тараннум этишга, уларнинг янги жамият вакиласи сифатидаги ҳис ва туйғуларининг бутун гўзаллиги, маънавий бойлигини очишга интилдим ва ҳозир ҳам шунга интилмоқдаман.

***

Гунафша... Миттигина гул. Лекин шундай хушбўй у, қандай гўзал у. Ҳар кичкина жон ўзида шунча фазилатни асрай олса эди.

***

Вақт деган ҳаққоний ҳакам ҳам бор... Ҳар бир ижодкор вақтнинг ғалвиридан омон чиқиб, узоқроқ яшайдиган асарларни орзу қилади.

## МУАЛЛИМАНИНГ ШОИРА ҲАҚИДАГИ РОМАНИ

Муҳтарама шоирамиз Зулфияхонимга менинг меҳр-муҳаббатим ёшлик чоғларимданоқ бениҳоя баланд бўлган, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги Усмон Носир номидаги 241-мактабнинг тарих ўқитувчиси Муяссар Умирова. — Бундан роппа -роса 25 йил бурун Қўқон шаҳрида таниқли шоира билан бўлган учрашувда Зулфияхоним астагина унинг елкасига қоқиб: «Қизим, агар қаламингни ташламасанг, келажакда ажойиб ижодкор буласан», — дегандилар.

Тақдир Муассархонни Зулфияхоним билан Қашқадарёда яна учраштирди. У келин бўлиб тушган Абди Умиров хонадонида шоирани яхши билишар ва беҳад ҳурмат қилишар эди. Оила альбомидаги сувратлардан Зулфияхонимнинг бу хонадонга нечоғлик яқин ва азиз экани яққол кўриниб турарди. Энг қувончлиси, оиланинг тўнғич фарзанди исмини ҳам Зулфия деб атаганди.

Муяссар Умирова шоира орзу қилгандек катта ижодкор бўлиб етишмаса-да, қаламини тарк этмади. Аввало, ижодкор тарихчи муаллим сифатида ўқувчилар меҳрини қозонди, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди. «Излайин қаерлардан» романини ёзиб, иқтидорини бадиий ижодда синаб кўрди. Энг қизиғи шуки, асарда шеъриятимиз маликаси Зулфия образи икки қалб садосини дилига жо қилган Ҳумо қуши тимсолида қаламга олинган. Роман Жиззахда ўтадиган республика ижодкор ўқитувчилар кўрик- танловига тавсия қилинди.

**Ш.АСҚАР.**

## ҲАЁТ ВА ИЖОД ЙИЛНОМАСИ

1915 йил 1 март — Зулфия Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида дегрез оиласида туғилди. Шу маҳалладаги мактабда ўқиди.

1931-1934 йиллар — хотин-қизлар билим юртида таълим олди.

1931 йил 17 июль — «Мен иш қизи» номли биринчи шеъри «Ишчи» газетасида босилиб чиқди.

1932 йил — биринчи шеърий тўплами — «Ҳаёт варақлари» чоп этилди.

1935 йил — Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга кирди.

1938 йил — ёшлар ва ўсмирлар нашриётига ишга кирди.

1941-1950 йиллар — Ўзбекистон Давлат нашриётида бадиий адабиёт бўлими мудири лавозимида хизмат қилди.

1943 йил — биринчи марта рус тилида В. Луговский сўз бошиси билан «Верность» номли шеърий тўплами нашр этилди.

1950 йил, октябрь — Зулфия қайта нашр этила бошланган аёллар журнали «Ўзбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги номи «Саодат»)да адабиёт ва санъат бўлимининг мудири, 1953 йилдан эса бош муҳаррир лавозимларида ишлади.

1965 йил— Зулфияга «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони берилди.

1968 йил, апрель — Жавоҳарлал Неру номидаги мукофотнинг биринчи лауреати бўлди.

1970 йил 17 апрель — «Ўйлар» ва «Шалола» («Водопад») шеърлар китоблари учун Зулфияга Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилди.

1970 йил, ноябрь — Халқаро «Нилуфар» мукофоти берилди.

1972 йил, апрель — Болгариянинг биринчи даражали «Кирилл ва Мефодий» ордени билан мукофотланди.

1975 йил, март — «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотланди.

1985 йил — Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

1994 йил 25 август — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан Мустақил мамлакатимизнинг илк мукофотларидан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

## ЭҲТИРОМ

*Кеча Тошкентдаги Туркистон саройида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб тантанали кеча бўлиб ўтди.*

